

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“КРИМИНАЛИСТИКА” КАФЕДРАСИ

ЛОЧИНОВ ФАРХОД НАЗАРОВИЧ

«СУД ТИББИЁТИ»

ФАНИДАН ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2012

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услугий Кенгашининг 2008 йил 24 апрелдаги 8-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

Д.Д.Джалалов – Тошкент Тиббиёт Академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Р.А.Алимова – Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди

Тузувчи:

Ф.Н. Лочинов – Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди

Ушбу ўқув услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг «Юриспруденция» йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган. Мажмуада суд тиббиёти фани бўйича тематик режалар, ишчи ўқув дастурлар, семинар саволларига алоҳида ўрин берилган, шунингдек мавзулар бўйича назорат саволлари, тест саволлари ҳамда мустақил таълимнинг аҳамияти, унинг бажарилишини ташкил этиш каби йўл-йўриқлар ва амалий тавсиялар келтирилган.

© Лочинов Ф.Н. - ўқитувчи

© Тошкент давлат юридик институти, 2010 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Суд тиббиёти фанидан тематик режа	5
Ўқув дастури.....	6
Суд тиббиёти фанидан семинар машғулотлар	28
Суд тиббиёти фанидан адабиётлар.....	90

КИРИШ

Жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши курашишда тезкор-қидирув ва суд-прокуратура ходимлари олдида доимо кўплаб масалалар туғиладики, бу масалаларни ҳал этишда суд тиббиёти фани хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноий ва фуқаролик ишларини олиб бориш жараёнида туғилган ҳар хил тиббиётга оид бўлган саволларни ечишда суд тиббий экспертизасини ўтказилиши адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Суд тиббиёти умумий тиббиёт ютуқларига таянган ҳолда адолатни қарор топтиришдан хизмат қилувчи фандир. Суд тиббиёт фани биология, физика, кимё, ҳуқуқшунослик, криминалистика, одам психологияси фанлари билан боғлиқдир.

Суд тиббиёти фанини ўқитишдан мақсад талабаларда суд тиббиётининг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушинчаларни шакллантириш, суд тиббий экспертизасини ўтказилишини процессуал асосларини, асосий принципларини, текшириш усулларини ўргатиш, турли касбий-юридик вазиятларда суд тиббиёти услубларидан фойдаланиш бўйича асосий кўникма ва маҳоратни шакллантиришдан иборат.

Охирги йилларда чоп этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларда янги мавзуларни акс этиши ҳамда уларда жиноятни очиш ва олдини олиш самарадорлигини оширувчи янги усулларни ишлаб чиққанлиги, жиноятчиликка қарши курашишда амалиёт ва назарияни янада яқинлаштиради.

Суд тиббиёт фанинг талабаларга ўргатишда маъруза ва семинар машғулот шаклларида фойдаланилади. Семинар машғулотларда талабалар суд тиббий экспертизасини ташкил этиш, экспертизалар ўтказиш, эксперт хулосаларини тузиш ва уларга юридик баҳо беришга боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Мазкур фанни ўрганиш ўқитишнинг анъанавий ва илғор услубларини, жумладан, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра суҳбатларини ўтказиш, техник воситаларни қўллаш ва бошқа усулларда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Талабалар билими жорий, оралик ва якуний баҳолаш тартибида назорат қилинади.

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот
турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти**

№	Машғулот номи	Маъруза (соат)	Семинар (соат)
1.	Суд тиббиёт экспертизасининг предмети, услуби ва вазифалари.	1	-
2.	Тирик шахсларни суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиш.	1	2
3.	Механик жароҳатлар.	1	2
4.	Ўқ-отар қуроллардан жароҳатланиш.	1	2
5.	Ўлим ва мурдадаги ўзгаришлар.	1	2
6.	Юқори ва паст ҳароратлардан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим.	0,5	1
7.	Электр токидан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим.	0,5	1
8.	Кимёвий моддалардан заҳарланиш ва ўлим.	1	2
9.	Кислород етишмовчилиги ва ўлим.	1	2
10.	Мурданинг суд тиббиёт экспертизаси.	1	2
11.	Ашёвий далилларнинг суд тиббий экспертизаси.	1	2
	Жами	10	18

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

Р.А.Зуфаров

20 ____ й “ ____ ” _____

**«Суд тиббиёти»
фанининг**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Таълим йўналиши: 5380100 – “Юриспруденция”

Тошкент – 2010

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент давлат юридик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ф.Н.Лочинов Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н.

Такризчилар:

Ш.Ю.Бекназаров Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти кафедраси доценти, т.ф.н.

Б.А.Ешмуратов Тошкент шаҳар ССББга қарашли суд тиббий экспертизаси бюроси бошлиғи, т.ф.н., доцент

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент давлат юридик институти Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2010 йил «__» _____даги «__»- сонли баённома).

1. Кириш

Суд тиббиёти фани умумий тиббиёт фанлари мажмуаси бўлиб тиббиёт ва ҳуқуқшунослик фанларини бир-бири билан боғлайди ва адолатни қарор топтиришда хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноий ва фуқаролик ишларини олиб бориш жараёнида туғилган ҳар хил тиббиётга оид бўлган саволларни ечишда суд тиббий экспертизасини ўтказилиши адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ўқув дастур - суд тиббиёти фани бўйича талабаларнинг (бакалавр) билим, кўникма ва малакаларига қуйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Фан дастури таркибида фаннинг мақсади, вазифалари ва ўрганадиган муаммолари, талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифи, назарий, амалий ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни, методик тавсиялар, тақвимий мавзуй режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик воситалар рўйхати ҳамда баҳолаш мезонларини қамраб олган.

Ўқув дастури фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниб, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўқув дастурида суд-тиббий экспертизаси хизматини тузилиши, суд-тиббий экспертиза турлари, текширишда қўлланиладиган илмий-техник услублар, турли хил жароҳатларни келиб чиқиш сабаблари ва механизмлари, механик, физик, кимёвий омиллар таъсирлари натижасида инсон организмидagi ўзига хос ўзгаришларини аниқлашда қўлланиладиган усуллар, тирик шахслар, мурдалар, ашёвий далиллар, тергов, суд ишлари материаллари бўйича суд-тиббий экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш, биологик хусусиятга эга ашёвий далилларни топиш, олиш, ўраш, суд-тиббий текширувларга юбориш ва тадқиқ қилиш усулларини ўрганиш, назария ва амалиётни умумлаштириш, унинг натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш каби масалалар берилган.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанининг ўқитишдан мақсад - талабаларда суд тиббиётининг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушинчаларни ҳосил қилиш, суд-тиббий экспертизасини ўтказилишининг процессуал асосларини, асосий принципларини, текшириш усулларини ўргатиш, турли касбий-юридик вазиятларда суд тиббиёти услубларидан фойдаланиш бўйича асосий кўникма ва маҳоратни шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифаси - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тамонидан жиноий ва фуқаролик ишларини олиб бориш жараёнида туғилган суд тиббиётга оид бўлган ҳар хил саволларни ечишда қўлланиладиган усуллар ҳақида тушинча бериш. Содир этилган жиноятларни очишда жиноий ҳодисага таллуқли биологик хусусиятга эга ашёвий далилларни топиш, уларни тадқиқ

этиш, шунинг асосида олинган натижаларни баҳолашни бакалаврият йўналиши бўйича ҳуқуқшунос мутахассисларга ўргатиш.

2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар.

“Суд тиббиёти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- суд тиббиёти фанининг назарий ва амалий соҳаларда эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

- суд тиббиёти фанини ҳозирги замон фаолияти, йўналиши ва муаммолари, Ўзбекистон Республикасида суд-тиббий экспертизаси хизматини тузилиши, суд-тиббий экспертиза турлари, текширишда қўлланиладиган илмий-техник услублар, турли хил жароҳатларни келиб чиқиш сабаблари ва механизмлари, биологик хусусиятга эга ашёвий далилларни топиш, олиш, ўраш, суд-тиббий текширувларга юбориш ва тадқиқ қилиш тартиби ва бошқа шу каби масалалар ҳақида **назарий билимларга эга бўлиши;**

- воқеа содир бўлган жойда мурдани бирламчи кўздан кечириш ва баённома тузиш, биологик хусусиятга эга бўлган ашёвий далилларни топиш, олиш, ўраш ва тегишли суд тиббий текширувларга юбориш, механик, физик, кимёвий омиллар таъсирларини ўзига хос ўзгаришларини аниқлашда қўлланиладиган усулларни билиш, тирик шахслар суд-тиббий экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини, мурдалар суд-тиббий экспертизасини ташкил этишни ва ўтказиш тартибларини, ашёвий далиллар суд-тиббий экспертизаларини ташкил этишни ва ўтказиш тартибларини, тергов ва суд ишлари материаллари бўйича суд-тиббий экспертизасини ўтказиш, тиббий ходимларни жавобгарликга тортиш бўйича суд-тиббий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш, суд-тиббий экспертизаси борасидаги назарий билимларни амалиётга тадбиқ эта билиш, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганишни билиши, суд-тиббий экспертизаси муаммоларни ўз нуктаи назаридан асослаб бериш каби **амалий кўникмаларни эгаллаши;**

- суд-тиббий экспертизаси ҳал этиши лозим бўлган муаммоларни ўз нуктаи назаридан илмий изоҳлаш ва асослаш, суд тиббиёти фанини назарий ва амалий билимларни амалиётда қўллаш, суд-тиббий экспертизаси фаолияти билан боғлиқ бўлган амалиёт ва методик вазифаларни ҳал қилишда олган билимларни қўллаш, турли жароҳатланишларни макропрепаратларда, муляжларда ва мурдаларда аниқлаш, суд-тиббий экспертизасига оид процессуал ҳужжатларни туза билиш (воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, суд-тиббий экспертиза тайинлаш ҳақида қарорлар), суд тиббий экспертиза ўтказишда замонавий методлардан фойдаланиш **малакаларни эгаллаши;**

- суд тиббиёти фани юзасидан тавсия этилган маълумотлардан хабардор бўлиш ва уларни амалиётга қўллаш **компетенцияларга эга бўлиши керак.**

3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Суд тиббиёти фани умумий тиббиёт фанлари мажмуаси бўлиб тиббиёт ва ҳуқуқшунослик фанларини бир-бири билан боғлайди ва адолатни қарор топтиришда хизмат қилади. Тезкор қидирув ва суд-прокуратура ходимлари олдида доимо кўплаб масалалар туғиладики, ушбу масалаларни ҳал этишда суд тиббиёти фани биология, физика, кимё, криминалистика, одам психологияси ва бошқа фанлар ютуқларига асосланади. Суд тиббиётига оид экспертизаларнинг ўтказилишида тиббиёт фанларини ютуқларидан ташқари бошқа фанларнинг тарақиётидан ҳам фойдаланиш тан жароҳатларининг келиб чиқиш сабабини аниқлашда, одам руҳиятидаги ўзгаришлар ёки таъсирлар, ўлим сабабларини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.

4.1. Фаннинг ҳажми.

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий	10	7
2	Семинар	18	7
4	Мустақил иш	16	7
5	Курс иши (лойихалаш)	-	-
6	Назоратлар	-	-

4.2. Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соат

№	Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни	Ажратилган соат
1.	Суд тиббиёт экспертизаси предмети, тушунчаси ва унинг вазифалари. Суд тиббиёти экспертизасини процессуал ва ташкилий асослари. Суд тиббиёт экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш асослари ҳамда процессуал тартиби. Инсоннинг ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларни олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишда суд тиббиёт экспертизасининг ўрни ва аҳамияти. Экспертиза ўтказишга жалб қилинадиган суд тиббиёт экспертлари ва эксперт врачлар. Суд-тиббий эксперти, врач мутахассисининг терговчи ва суриштирув органлари ўтказадиган тергов ҳаракатларида иштирок этиши. Суд тиббиёти экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суд тиббий ҳужжатлари. Уларга қўйиладиган талаблар.	1
2.	Тирик шахсларни суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш. Тирик одамларни суд-тиббий гувоҳлантиришга юбориш, унинг ўтказилиши ва ҳулосасига қўйиладиган талаблар. Бокираликни аниқлаш, унинг ўтказилиш сабаблари. Ота ёки она бўла олиш қобилятини аниқлаш. Бўлиб ўтган аборт	1

	ва туғриқнинг белгиларини аниқлаш. Жиноий абортлар, уларни ўтказиш усуллари ва оқибатлари. Жинсий жиноятларда суд тиббиёт экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари. Зўрлаб номусга тегиш, бу турдаги жиноятларни исботлашда экспертизанинг аҳамияти. Жабрланган ва гумон қилинувчиларни гувоҳлантириш. Ғайритабиий жинсий ҳаракатлар.	
3	Механик жароҳатлар. Жароҳатларнинг умумий тавсифи. Тиббиёт нуқтаи-назаридан тан жароҳатлари ҳақида тушунча. Тан жароҳатини келтириб чиқарувчи омиллар, жароҳат турлари. Тан жароҳатларининг суд-тиббий таснифи. Кураш ва ўз-ўзини ҳимоя қилишдан гувоҳлик берувчи жароҳатлар, уларнинг тана ва кийимларда мавжудлигини аниқлаш. Тириклигида олинган жароҳатларни ўлгандан сўнг етказилган жароҳатлардан фарқлаш.	1
4	Ўқ отар қуроллардан жароҳатланиш. Ўқ-отар қуролнинг ишлатилиши факти билан боғлиқ воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг хусусиятлари. Отилган ўқнинг асосий кўрсаткичларини суд-тиббиёти нуқтаи назаридан баҳолаш: масофадан, тираб, яқин ва узоқдан ўқ отилганлик белгилари. Ҳар хил ўқ-отар қуроллардан етказилган жароҳатларнинг хусусиятлари. Ташқи тўсиқларнинг ўқ-отар қурол жароҳатларига хос таъсирлари. Ўқларнинг отилиш кетма-кетлигини аниқлаш юзасидан суд тиббиёт экспертизасининг имкониятлари.	1
5	Ўлим ва мурдадаги ўзгаришлар. Ўлиш ва ўлим. Суд тиббиётида ўлим таснифи, зўрлик оқибатида ва зўрлашсиз юз берган ўлим. Тўсатдан юз берадиган ўлим. Клиник ва биологик ўлим. Сохта ўлим. Мурдада содир бўладиган дастлабки ўзгаришлар (мурда доғлари, мурданинг қотиши, совуши, қуриши ва бошқалар). Дастлабки ўзгаришларнинг суд тиббиётидаги аҳамияти. Мурдада содир бўладиган кечки ўзгаришлар. Мумиёланиш (сунъий ва табиий), чириш, ёғланиш, торфли ошланиш. Мурдада кейинги ўзгаришлар содир бўлишига таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар.	1
6	Юқори ва паст ҳароратлардан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим. Юқори ҳароратнинг инсон организмга таъсири. Ёнғинга инсоннинг тириклигида тушганлиги белгилари. Куйиб кетган ва кўмирга айланган мурдаларнинг суд тиббиёт экспертизасини ўтказиш имкониятлари. Кўмирга айланган мурдаларнинг шахсини аниқлаш. Ўз-ўзини ёқиш ва уни инсценировка қилиш. Паст ҳароратнинг таъсири. Паст ҳароратнинг инсон организмга умумий таъсири. Музлашдан юз берадиган ўлим механизми. Музлашдан юз берган ўлимни аниқлаш, мурда гавдасининг ҳолати. Совуқ қотиш натижасида юз берадиган ўлимнинг механизми, қўшимча омиллар. Вишневский доғлари.	0,5
7	Электр токидан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим. Электр токидан жароҳатланиш ва ўлиш. Атмосфера ва техник электр қувватлари. Техник электр қувватидан жароҳатланиш. Техник электр қувватидан жароҳатланиш белгилари. Атмосфера электр қуввати (чақмоқ)дан жароҳатланиш. Атмосфера электр қуввати (чақмоқ)дан жароҳатланиш белгилари. Электр қувватидан шикастланишларда суд тиббиёти экспертизаси олдида хал этиш учун қуйиладиган саволлар.	0,5
8	Кимёвий моддалардан захарланиш ва ўлим. Суд токсикологияси. “Заҳар” тушунчасининг таърифи. Заҳарнинг таъсир қилиш шарт-шароитлари. Заҳарланишнинг суд-тиббий экспертизаси томонидан аниқланиши. Айрим	1

	заҳарлар ва уларнинг таъсири. Ис газидан заҳарланиш, унинг мурдадаги ташқи ва ички белгилари. Этил спирти ва унинг суррогатларидан заҳарланиш. Алкоголнинг инсон организмига заҳарли таъсири. Мурда қонидаги алкоголь миқдорини аниқлаш. Овқатдан заҳарланиш. Ботулизм. Қўзқоринлардан заҳарланиш.	
9	Кислород етишмовчилиги ва ўлим. Нафас олиш жараёни, унинг бузилиши сабаблари ва оқибатлари. Буғиб ўлдирилган одамнинг ташқи ва ички белгилари. Буғилган мурдадаги ўзгаришлар. Механик сабаблар туфайли бўғилиш. Осилиш натижасида ўлимнинг юзага келиш механизми. Сиртмоқ ва унинг тугунларини кўздан кечиришнинг суд-тиббий экспертизаси учун аҳамияти. Странгуляцион жуякча, унинг ўзига хос белгилари ва тавсифи. Сиртмоқ билан бўғиш, осилган ва сиртмоқ билан буғилган мурдалардаги странгуляцион жуякчаларнинг бир биридан фарқи. Қўл билан буғиш ва унинг ўзига хос белгилари. Бўғиб ўлдирилган мурда юзасидан суд-тиббий экспертизаси ҳал этадиган масалалар. Кўкрак қафаси ва қориннинг босилиши, уларнинг ўзига хос белгилари. Нафас йўллариининг сочилувчан ва бегона жисмлар билан тўсилиб қолиши ёки беркилиши. Чўкиш, чўкиш натижасида юз берган ўлимнинг механизми. Чўкиш натижасида юз берган ўлимнинг ташқи белгилари. Мурданинг сувда қанча муддат бўлганлигини аниқлаш. Сувдан олинган мурдадаги ўлимдан аввал ва кейинги жароҳатларни аниқлаш.	1
10	Мурданинг суд-тиббий экспертизаси. Мурдани суд-тиббий ва патолого-анатомик текширувлардан ўтказиш. Суд-тиббий текширувдан ўтказилиши шарт бўлган мурдалар. Мурдани ўликхонага юборишнинг тартиб ва талаблари. Эксперт хулосасига қўйиладиган талаблар. Мурда топилган жойни кўздан кечириш. Мурда топилган жойни кўздан кечиришда суд тиббиёти мутахассисининг роли. Мурда топилган жойда кўздан кечиришнинг асосий вазифалари. Ўлим содир бўлганлигини аниқлаш. Мурдадаги асосий ўзгаришларни аниқлаш, кийим кечагини кўздан кечириш, мавжуд жароҳатларни тавсифлаш. Ашёвий далилларни топиш ва уларни аниқлаш. Қайта қовлаб олинган (эксгумация) ва янги туғилган чақалоқ мурдаларни, хомилани текшириш.	1

11	Ашёвий далилларнинг суд тиббий экспертизаси. Суд-тиббий жиҳатдан тадқиқ этилиши лозим бўлган биологик хусусиятга эга ашёвий далилларнинг тавсифи. Ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш, ўраш ва суд тиббиёт лабораториясига, суд-тиббий экспертизаси бюросига юбориш тартиб-қоидалари. Таққослаб текшириш учун намуналар олиш. Табиатан турли хил бўлган ашёвий далилларни текширишда суд-тиббий экспертизаси олдидаги масалалар. Қон ва қон доғлари суд-тиббий текширувининг жиноятни очишдаги имкониятлари ва аҳамияти. Қон доғларини воқеа содир бўлган жойда аниқлаш ва текшириш усулларининг тавсифи. Жинсий дахлсизликка қарши жиноятларни тергов қилиш муносабати билан (сперма) изларини текшириш. Уруғ суюқлиги бор объектларни топиш, олиб қўйиш ва экспертизага юбориш. Таққослаш учун намуналар олиш. Соч ёки тук толаларини топиш, олиш ва экспертизага юбориш.	1
	Жами	10

4.3. Семинар машғулотлари мазмуни

№	Семинар машғулотлари мавзуси	Семинар машғулотлари мақсади	Кутиладиган натижа	Ажратилган соат
1	Тирик шахсларни суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиш. Тирик шахсларни суд-тиббий экспертизага юбориш, унинг ўтказилишини процессуал асослари ва эксперт хулосасига қўйилган талаблар. Тан жароҳатларининг суд-тиббий таснифи. Тан жароҳатларининг оғирлик даражаларини аниқлаш мезонлари. Оғир, ўртача оғирликдаги, енгил тан жароҳатлари. Жинсий ҳолатлар ва жинсий жиноятлар бўйича суд-тиббий экспертизалар ўтказиш ва уни ўзига хос жиҳатлари. Меҳнат қобилиятини йўқотиш, сунъий ва сохта касалликлар, ўз аъзоларини жароҳатлаш, жароҳат етказишни алоҳида усуллари бўйича суд-тиббий экспертизалар ўтказиш.	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Тирик шахсларни суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш, гувоҳлантиришга юбориш, уларни ўтказилиши ва эксперт хулосасига қўйиладиган талаблар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қўллай олиш.	2
2	Механик жароҳатлар. Жароҳатлар тушунчаси. Тан жароҳатларини келтириб чиқарувчи омиллар, жароҳат турлари. Механик жароҳатларнинг суд тиббий таснифи. Тумтоқ ва ўткир	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини	Жароҳатларнинг умумий тавсифи, тан жароҳатини келтириб чиқарувчи омиллар, жароҳат турлари,	2

	буюмлардан олинган жароҳатларни суд тиббий экспертизаси. Курашиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилишдан гувоҳлик берувчи жароҳатлар. Тирикликда олган жароҳатларни ўлгандан сўнг етказилган жароҳатлардан фарқлаш. Жароҳат етказилган муддатларни аниқлаш.	шакллантириш	тумтоқ ва ўткир қуроллар билан содир этилган жиноятларни аниқлаш ва баҳолаш тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қўллай олиш.	
3	Ўқ отар қуроллардан жароҳатланиш. Ўқ отар қуроллардан етказилган жароҳатлар. Ўқ отар қуроллар турлари. Патрон тузилиши. Ўқ отилгандаги қўшимча омиллар. Ўқ отар қуроллардан етказилган жароҳатларни суд тиббий экспертизаси. Ўқ отар қуролнинг ишлатилиш факти билан боғлиқ ҳолатда воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, ашёвий далилларни топиш, олиш, экспертизага юбориш, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасини тузиш. Отилган ўқнинг асосий кўрсаткичларини суд тиббиёти нуқтаи назаридан баҳолаш. Тақаб отиш, яқин масофадан, яқин бўлмаган масофадан ўқ отилганлик белгилари. Яра ўраси, турлари, унинг суд тиббий текшируви. Ҳар хил ўқ отар қуроллардан етказилган жароҳатларнинг хусусиятлари. Ов қуролларидан етказилган жароҳатлар. Портлатувчи қуроллар билан жароҳат етказиш. Ўқ отар қуроллардан етказилган жароҳатларни текширишда суд-тиббий экспертизаси ҳал қиладиган масалалар.	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Ўқ-отар қуролнинг ишлатилиши факти билан боғлиқ воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг хусусиятлари, тираб, яқин ва узоқдан ўқ отилганлик белгилари, ҳар хил ўқ-отар қуроллардан етказилган жароҳатларнинг хусусиятлари, ўқ отар қуроллар билан содир этилган жиноятларни аниқлаш ва баҳолаш тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қўллай олиш.	2
4	Ўлим ва мурдадаги ўзгаришлар. Ўлиш ва ўлим. Ўлимни суд тиббиёти бўйича таснифи. Зўрлик оқибатида ва зўрлашсиз юз берган ўлим. Тўсатдан юз берадиган ўлим. Клиник ва биологик ўлим. Сохта ўлим. Мурдада содир бўладиган дастлабки ўзгаришлар ва уларни суд тиббий аҳамияти. Мурдада содир бўладиган кечки ўзгаришлар. Мурдада кечки ўзгаришлар содир бўлишига таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар. Ўлим юз берганлиги фактини аниқлаш белгилари, усуллари ва уларни суд тиббий аҳамияти	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Суд тиббиётида ўлим таснифи, зўрлик оқибатида ва зўрлашсиз юз берган ўлим, мурдада содир бўладиган дастлабки ва кечки ўзгаришлар, уларни суд тиббий экспертизасидаги аҳамияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қўллай олиш.	2

5	Юқори ва паст ҳароратлардан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим. Юқори ҳароратнинг инсон организмига умумий ва маҳаллий таъсири, унда вужудга келадиган ўзгаришлар, ушбу ҳолатларда суд тиббий экспертизаларни ўтказиш. Кўйиб кетган ва кўмирга айланган мурдаларнинг суд тиббий экспертизаси. Кўмирга айланган мурдаларнинг суд тиббий текширишни ўзига хос хусусиятлари. Кўмирга айланган мурдаларни шахсини аниқлаш. Ўз-ўзини ёқиш ва уни инсценировка қилиш. Ёнғинга одамни тирик вақтда тушганлиги белгилари. Паст ҳароратнинг инсон организмига умумий ва маҳаллий таъсири, унда вужудга келадиган ўзгаришлар, ушбу ҳолатларда суд тиббий экспертизаларни ўтказиш. Музлашда юз берган ўлимни аниқлаш, унинг юз бериш механизми, қўшимча омиллари. Юқори ва паст ҳароратлар таъсири бўлган ҳолларда расмийлаштириладиган тиббий ҳужжатларга юридик баҳо бериш.	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Юқори ва паст ҳароратнинг инсон организмига таъсири, ёнғинга инсоннинг тириклигида тушганлиги белгилари, кўйиб кетган ва кўмирга айланган мурдаларнинг суд тиббий экспертизасини ўтказиш, шахсини аниқлаш имкониятлари, ўз-ўзини ёқиш ва уни инсценировка қилиш, музлашдан юз берадиган ўлимни аниқлаш тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қуллай олиш.	1
6	Электр токидан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим. Атмосфера ва техник электр қувватларини инсон организмига умумий ва маҳаллий таъсири. Ушбу ҳолатларда суд тиббий экспертизалар ўтказиш. Техник электр қувватидан жароҳатланишлар, унинг белгилари. Электр токидан жароҳатланиш ва ўлим. Атмосфера электр қуввати таъсирида инсон организмида вужудга келадиган морфологик ўзгаришлар ва уларнинг суд тиббиётидаги аҳамияти. Атмосфера ва техник электр қувватларидан жароҳатланишларда суд тиббий экспертиза ҳал қиладиган масалалар. Атмосфера ва техник электр қувватлардан жароҳатланишларда тузиладиган эксперт хулосасига юридик баҳо бериш.	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Атмосфера ва техник электр қувватларидан жароҳатланиш белгилари, электр қувватидан шикастланишларда суд тиббиёти экспертизаси олдига ҳал этиш учун қуйиладиган саволлар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уларни амалиётда қуллай олиш.	1
7	Кимёвий моддалардан заҳарланиш ва ўлим. Суд токсикологияси. Заҳар ва заҳарланиш тушунчаси, заҳарларнинг суд тиббий таснифи. Заҳарларнинг таъсир қилиш шарт-	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини	Заҳар ва заҳарланиш тушунчаси, заҳарларнинг суд тиббий таснифи, таъсир қилиш шарт-	2

	шароитлари. Заҳарланишларнинг вужудга келиш механизми, ўлим юз бериш масалалари. Заҳарланишларнинг суд тиббий экспертизаси. Заҳарланишда мурдани кўздан кечириш ва текширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Айрим заҳарлар ва уларнинг таъсири. Ис гази билан заҳарланиш ва унинг морфологик белгилари. Этил спирти ва унинг суррогатлари билан заҳарланиш. Мурда қонида алкоғол микдорини баҳолаш. Гиёҳванд ва гангитувчи моддалар билан заҳарланишларда вужудга келадиган ўзгаришлар. Овқатдан заҳарланишлар. Ботулизм. Қўзикоринлардан аҳарланишлар. Заҳарланиш ҳолатларида тузиладиган эксперт хулосаларига юридик баҳо бериш.	шакллантириш	шароитлари, вужудга келиш механизми, ўлим юз бериш масалалари, суд тиббий экспертизаси, заҳарланишда мурдани кўздан кечириш ва текширишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш. Заҳарланиш ҳолатларида тузиладиган эксперт хулосаларига юридик баҳо бериш, ушбу ҳолатларда тергов ҳаракатларини тўғри ташкил этиш ва уларни амалиётда қуллай олиш.	
8	Кислород етишмовчилиги ва ўлим. Нафас олиш жараёни, унинг бузилиш сабаблари ва оқибатлари. Гипоксия ва механик асфиксия. Механик асфиксия турлари. Механик асфиксияни ташқи ва ички белгилари, уларнинг суд тиббий текширувдаги аҳамияти. Странгулацион асфиксия. Қўл билан бўғиш, сиртмоқ билан бўғиш, осилиш натижасида ўлимнинг юзага келиш механизми. Сиртмоқ ва унинг тугунларини кўздан кечириш. Странгулацион жуякни ўзига хос белгилари. Странгулацион жуякни тирикликда ёки ўлим юз бергандан сунг ҳосил бўлганлигини аниқлаш. Қўкрак кафаси ва қориннинг босилиши натижасидаги механик асфиксия, уларнинг суд тиббий экспертизаси. Нафас йўллари сочилувчан ва бегона жисмлар билан тўсилиб қолиши натижасидаги механик асфиксия, уларнинг суд тиббий экспертизаси. Чўкиш, чўкишдан ҳосил бўлган ўлимни ташқи ва ички белгилари. Мурдани сувда қанча бўлганлиги аниқлаш. Сувдан олинган мурдада ҳаётини ва ўлимдан кейинги шикастланишларни аниқлаш.	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий қуникмаларини шакллантириш	Нафас олиш жараёни, унинг бузилиш сабаблари ва оқибатлари, механик асфиксия, механик асфиксия турлари, ташқи ва ички белгилари, мурдада ҳаётини ва ўлимдан кейинги жароҳатларни аниқлаш, уларнинг суд тиббий текширувдаги аҳамияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш. Ушбу ҳолатларда ҳодиса жойини кўздан кечиришни, ашёвий далилларни топиш, олиш ва тегишли лабораторияларга юборишни тўғри ташкил этиш ва уларни амалиётда қуллай олиш.	2
9	Мурдани суд тиббий текшируви.	Талабаларнинг	Суд тиббий	

	Суд тиббий текширувдан ўтказилиши шарт бўлган мурдалар. Мурдаларни ўликхонага юборишнинг тартиб ва талаблари, тузиладиган хужжатлар. Мурда топилган жойнинг кўздан кечириш. Воқеа жойини кўздан кечиришда суд тиббий экспертини вазифалари. Ўлим содир бўлганлигини аниқлаш. Мурда топилган жойида кўздан кечириш ва кўздан кечириш баённомасини тузиш. Мурда кийим-кечагини, жароҳатларни тавсифлаш. Воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида ашёвий далилларнинг топиш, олиш, уларнинг экспертизаларга юборишни тўғри ташкил этиш. Эксперт хулосасига қўйиладиган талаблар, унинг тузиш ва баҳолаш. Янги туғилган чақалоқ мурдаларини, ҳомилани суд тиббий текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. Янги туғилганлик, етуклик, етуксизлик, тирик туғилганлик, ҳомилани она қорни ичида яшаш вақтини, болани туғилгандан сўнг яшаган вақтини аниқлаш мезонлари. Бўлакларга бўлинган, қайта кавлаб олинган мурдаларни суд тиббий экспертизаси. Ушбу ҳолатларда тузилган эксперт хулосасига юридик баҳо бериш.	ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	текширувдан ўтказилиши шарт бўлган мурдалар, мурда топилган жойнинг кўздан кечириш, воқеа жойини кўздан кечиришда суд тиббий экспертини вазифалари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасини тузиш, мурдаларни суд тиббий текширувига юборишнинг тартиб ва талаблари, тузиладиган хужжатлар, шахси номаълум мурдаларни янги туғилган чақалоқ мурдаларини, ҳомилани, бўлакларга бўлинган, қайта кавлаб олинган мурдаларни суд тиббий текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва ушбу ҳолатларда тузилган эксперт хулосасига юридик баҳо бериш. Воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида ашёвий далилларнинг топиш, олиш, тегишли текширувларга юборишни тўғри ташкил этиш ва уларни амалиётда қўллай олиш.	2
10	Ашёвий далилларнинг суд тиббий экспертизаси. Ашёвий далиллар тушунчаси. Биологик хусусиятга эга ашёвий далилларнинг суд тиббий текшируви. Ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш, ўраш ва суд тиббий лабораторияларига юбориш тартиб қоидалари. Таққослаб текшириш учун намуналар олиш. Қон	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Биологик хусусиятга эга ашёвий далилларнинг суд тиббий текшируви, ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш, ўраш ва суд тиббий лабораторияларига	

	ва қон доғлари суд тиббий текшируви. Қон доғларини воқеа содир бўлган жойда аниқлаш ва текширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Доғларда қон мавжудлигининг аниқлашнинг тахминий ва ишончли усуллари. Шахват (сперма) бор объектларни суд тиббий текшируви, уларни жинсий дахлсизликка қарши жиноятларни текширишдаги аҳамияти. Соч, сўлак, сийдик, тер ва бошқа биологик ашёвий далилларни суд тиббий текширувдан ўтказиш. Биологик хусусиятга эга ашёвий далилларни суд тиббий текшириш ҳолатларида тузилган ҳужжатларга юридик баҳо бериш.		юбориш тартиб қоидалари, такқослаб текшириш учун намуналар олиш тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш, ашёвий далилларни тегишли текширувларга юборишни тўғри ташкил этиш ва уларни амалиётда қуллай олиш.	2
	Жами			18

5. Мустақил ишлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соатлар

№	Мустақил таълим мавзуси	Мустақил таълим мазмуни	Мустақил таълим шакли	Мустақил таълим ҳажми	соат
	7 семестр				
1.	Янги туғилган чақалоқлар мурдалари суд тиббий экспертизаси	Бола ўлдириш. Янги туғилган чақалоқлар мурдаси топилганда экспертлар олдида ҳал этиш учун қўйиладиган саволлар. Чақалоқни етилиб туғилганлиги, тирик туғилганлиги, ҳаётга лаёқатлилиги белгилари. Янги туғилган чақалоқлар мурдаларини суд тиббий экспертизасини ўзига хослиги.	реферат	15 бет	2
2.	Тиббиёт ходимларининг фаолиятдан келиб чиқадиган жиноятлари юзасидан суд	Билиб туриб шахсни соғлигига ва ҳаётига нисбатан жиноят содир қилиш. Тиббий ёрдам кўрсатмаслик. Врачлик хатолари. Врачлик иши.	реферат	15 бет	2

	тиббий экспертизаси.				
3.	Мурда эксгумацияси, тайинланиши ва экспертизадан ўтиши	Эксгумацияланган мурдани суд тиббий текширишга кўрсатмалар. Эксгумацияланган мурдани бирламчи ва қайта текшириш. Эксгумацияда лаборатор текширишлар.	реферат	15 бет	2
4.	Барометрик босим ўзгариши окибатида са- ломатликнинг бузилиши ва ўлим	Юқори барометрик босим таъсири. Декомпрессион касаллик. Паст барометрик босим таъсири. Паст ва юқори барометрик таъсир натijasида ўлим юз берганда патоморфологик ўзгаришлар. Атмосфера босими натijasида шикастланиш белгилари.	реферат	15 бет	2
5	Бўлакланган мурдалар суд тиббий экспер- тизаси.	Мурданинг бўлакланиши. Бўлакланган мурдалар суд тиббий экспертизасининг ўзига хослиги. Мурданинг криминал бўлакланиши.	реферат	15 бет	2
6	Тергов ва суд жараёнида экспертиза ўтказиш.	Тергов сўровларида, кўздан кечиришда ва экспериментларда суд тиббий билимларни қўлланилиши. Тергов кўрикларида суд тиббий мутахассиснинг қатнашуви. Эксперт хулосаси.	реферат	15 бет	2
7.	Вояга етмаганлар жиноий ишларида суд тиббий экспертизасини ўтказиш.	Вояга етмаганлар жиноий ишларида суд тиббий экспертизасини тайинлашнинг ўзига хослиги. Вояга етмаганлар ишларида экспертиза ўтказишга асослар ва ўтказиш тартиби.	реферат	15 бет	2

		Вояга етмаганлар жиноий ишларида мутахассис суд тиббий экспертнинг қатнашиши.			
8.	Воқеа содир бўлган ва мурда топилган жойни кўздан кечириш.	“Воқеа содир бўлган жой” ва “мурда топилган жой” тушунчалари. Врач-мутахассис. Мурда топилган жойда врач мутахассиснинг ҳаракатлари. Врач-мутахассис жавоб бериши шарт бўлган саволлар.	реферат	15 бет	2
	Жами				16

Изоҳ: илмий журналларда чоп этилган иккита мақола 16 соат.

Илмий конференция материалларида чоп этилган 4 та мақола 16 соат, 1 таси 4 соат.

Илмий конференция тезисларида 4 та мақола 16 соат, 1 таси 4 соат.

6. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик, кадоскоп технологияларидан;
- ўтказиладиган семинар машғулотларда экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари (ечимлар дарахти, ишбилармон ўйини, дебатлар ва ҳ.к.) қўллаш назарда тутилади.

7. Тақвим мавзуй режа

№	Мавзу	Ажратилган соат	Таълим шакли	Дарс тури	Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик	Таълим методлари	Таълим воситалари	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	Мустақил иш топшириқлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

1	Суд тиббиёт экспертизаси предмети, тушунчаси ва унинг вазифалари.	1	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика.	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш.
2	Тирик шахсларни суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиш.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва суд тиббий текширувидан ўтказиш тўғрисида қарорини ёзиш
3	Механик жароҳатлар.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш

4	Ўқ отар қуроллардан жароҳатланиш.	3	қундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали қуроллар, қадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, ўқ отар қуроллардан жароҳатланиш ҳолати юзасидан баённома ва экспертиза тайинлаш қарорини ёзиш
5	Ўлим ва мурдадаги ўзгаришлар.	3	қундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали қуроллар, қадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш
6	Юқори ва паст хароратлардан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим.	1,	қундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали қуроллар, қадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрлаш баённома ва экспертиза тайинлаш қарорини ёзиш

7	Электр токидан келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлим.	1,5	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув Т.: кўлланма ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, баённома ва экспертиза тайинлаш қарорини ёзиш
8	Кимёвий моддалардан заҳарланиш ва ўлим.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув Т.: кўлланма ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, баённома ва турли хил заҳарланишлар юзасидан экспертизалар тайинлаш қарорини ёзиш
9	Кислород етишмовчилиги ва ўлим.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш коллоквиум ва баш.	Кўргазмали куруллар, кадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув Т.: кўлланма ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, баённома ва механик асфиксиядан ўлим юз берган ҳолатлар юзасидан экспертизалар тайинлаш қарорини ёзиш

10	Мурданинг суд-тиббий экспертизаси.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, қадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Искандаров А.И. в.б. Суд медицинаси: Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2006.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, мурда топилган жойида қўздан кечириш баённомаси ва турли хил экспертизалар тайинлаш қарорини ёзиш
11	Ашёвий далилларнинг суд тиббий экспертизаси.	3	кундузги	маъруза семинар, амалий машғулот	Жиноят, жиноят процесси, криминалистика	экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш	Кўргазмали куруллар, қадоскоп	Шамсиев Э.С. в.б. Суд-тиббий фанлари»: Дарслик. Т.: 2008. Лочинев Ф.Н. Жиноятларни очишда биологик хусусиятга эга бўлган ашёвий далилларни аҳамияти. Рисола.Т.: ТДЮИ, 2009й.	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан концепт ёзиш, савол жавобга тайёрланиш, баённома ва биологик хусусиятга эга ашёвий далиллар юзасидан турли хил экспертизалар тайинлаш қарорини ёзиш

8. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
